2011 йил 24 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ — № 59 (11.870) — Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 март куни Оқсаройда АҚШнинг «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коут раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари "Honeywell" корпорацияси нуфузли делегациясининг ташрифи 2010 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувда эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўтган ой Тошкентда Ўзбекистон-АҚШ бизнес-форуми ўтказилгани, унда "Honeywell" корпорацияси вакиллари ҳам иштирок этгани Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган бозори ва юртимизда яратилаётган кенг имкониятларга америкалик сармоядорларнинг қизиқиши ортиб бораётганидан далолат бўлди.

Бугунги кунда АҚШнинг «General Motors», «Texaco», «Chartis» каби қатор компаниялари Ўзбекистонга йирик миқдорда сармоя киритмоқда, шунингдек, юқори технологиялар соҳасининг етакчилари сифатида умумэътироф этилган «Sikorsky Aircraft», «Exxon Mobil», «General Electric» сингари компаниялар мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда.

Учрашувда Д.Коут Америка-Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари томонидан Президент Ислом Каримовга тақдим этилган юксак мукофот давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган, дунёда ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида ном қозонган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепцияси халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат эканини таъкидлади.

Корпорация вакиллари Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, ривожланган инфратузилмаси, транспорт коммуникациялари, мустаҳкам банк-молия тизими ва юқори малакали кадрларига асосланган мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари ва тузилмавий ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Айни шу боис ҳам "Honeywell" корпорацияси учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон билан "Honeywell" корпорацияси ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги ривожи, иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишлари, хусусан, юқори технологияли соҳаларга, жумладан, нефть-газ, энергетика, кимё ва авиация саноатига оид лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя жалб қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида "Honeywell" корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида нефть-газ, кимё, авиация ва саноатнинг бошқа тармоқларига доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Айни пайтда нефть-газ, энергетика, электротехника тармоқлари, кимё саноати ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистонда "Honeywell" корпорацияси билан ҳамкорликда ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли юқори технологияли лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон-АҚШ сармоявий ҳамкорлиги ривожига янги суръат бахш этишини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимизда идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш мақсадида ҳукумат портали орқали мурожаатларни электрон шаклда қабул қилишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича тегишли ахборотлар тингланди ва электрон ҳужжат айланишининг идоралараро тизимини яратиш концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросининг бориши таҳлил қилинди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш, хўжалик субъектлари ва аҳоли мурожаатларини электрон шаклда қабул қилиш тизимларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолати Тошкент вилояти ҳокимлиги фаолияти мисолида батафсил кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ХАЛҚАРО САНОАТ ФОРУМИ

**КЕЧА «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Махсус техника», «Металлургия ва металларга ишлов бериш, машинасозлик, тоғ-кон саноати технологиялари ва ускуна-жиҳозлар», «Маиший техника, электроника» – бирйўла учта ихтисослашган кўргазма ўз ишини бошлади.**

Мазкур халқаро саноат форумида 40 дан ортиқ компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит хорижий компаниялар сонини йилдан йилга кўпайиб боришига асос бўлмоқда. Бу йили анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмага АҚШ, Германия, Япония, Ҳиндистон, Қозоғистон, Россия, Хитой, Чехия, Украина, Беларусь давлатлари вакиллари ташриф буюргани ҳам бунга яққол мисолдир.

— Саноат форуми ҳақиқий маънода тажриба алмашиш, музокара ва амалий ҳаракатлар майдонига айланган, — дейди «Art Print & Textile» масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Дилбар Азимова. — Бундай тадбирлар саноатчиларни бир жойга жамлаб, уларга истиқболли режаларини амалга оширишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётгани билан эътиборлидир. Корхонамиз бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда учта йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Кўргазмага махсус иш кийимлари ҳамда тиббиёт муассасалари учун либослар қўйилди. Маҳсулотларимиз кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани қувонтиради, албатта. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада эркинлик берилаётгани ишларимиз самарасига хизмат қилади.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган амалий ишлар иқтисодиётимиз ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, ёнилғи-энергетика, кимё, металлургия саноатини янада равнақ топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда инвестиция жалб қилинишида «Ўзбекнефтгаз» компаниясининг салмоғи катта бўлмоқда. Ўзбекистон тоғ-кон қазиб олиш саноатининг етакчи корхоналаридан Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ҳам кўргазмада марказий ўрин эгаллаган. Экспозициялар давомида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси модернизация ишларини жадаллаштираётганини кўриш мумкин.

Экспозицияларни айланар эканмиз, юртимизда машинасозлик ускуна-жиҳозлари ва анжомлар, кичик корхоналар учун машина ва агрегатлар, қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашёни қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни тубдан кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўзга ташланади. «Махсус техника» лойиҳаси ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Мисол учун, ободонлаштириш тузилмаларини 700 тага яқин замонавий махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Кўргазма иштирокчиларида металлнинг ҳамма турларини пайвандлашда қўлланиладиган дастгоҳ ва ускуналар ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини кузатиш мумкин.

Хорижий шериклардан, масалан, Хитойнинг кўплаб машҳур компаниялари йўл-қурилиш ва махсус техника, шунингдек металлургия, машинасозлик ва бошқа саноат соҳалари учун замонавий технологияларни тақдим этган. Дарвоқе, Ўзбек-Хитой савдо уйи экспозицияси кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Маълум бўлишича, ҳамкорликдаги савдо уйи Хитойда ишлаб чиқарилган махсус қурилиш техникасининг кўплаб турларини лизинг шаклида келтираётган экан.

Кўргазмада тўқимачилик ускуналари, тикув машиналари, маиший техника ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам иштирок этмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси эртага – 2011 йил 25 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги ихтисослаштирилган мактабда «Темурий маликалар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** тиббиёт академиясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби Абдулла Тангриев билан учрашув ўтказилди. Талаба-ёшлар миллий кураш бўйича икки карра жаҳон чемпионининг ёшлиги, спортда эришган ютуқлари билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Онкология илмий марказида умрбоқий Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбири, қизиқарли танлов ва мусобақалар ташкил этилди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Мамлакатимиз рақобат сиёсатининг устувор йўналишлари ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш заруратига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва корхоналар вакиллари иштирок этди.**

**● Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида анъанавий «Bazar-Art» миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси бошланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси ҳамда «Устазода» бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма-ярмаркада юртимиздаги уста ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.**

**● Нукус шаҳрида «Ориент технолоджи» Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси иш бошлади. Чарм ишлаб чиқаришга ихтисослашган, йилига 4 минг 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонани бунёд этишда 720 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Замонавий технологиялар ўрнатилиб, саксонга яқин янги иш ўринлари яратилди.**

**● Фарғона шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига лизинг орқали илғор технологияларни жалб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбек Лизинг Интернэшнл» компанияси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**● Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Нурота ва Конимех туманлари чорвадорлари тўл мавсумини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Томди туманидаги ширкат хўжаликларида 285 минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 1 минг 700 бошдан ортиқ туя ва 2 минг 700 бош йилқи боқилмоқда. Туман чорвадорлари қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрди. 214 отарнинг барчаси қўшимча чорва озуқаси, омухта ем, чўпон оилалари эса озиқ-овқат маҳсулотлари ва махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Отарларга қўшимча ишчи кучи, техника воситалари ажратилди.**

## ЖАҲОНДА

**● «Fox News» нашрининг ёзишича, 2010 йилнинг апрель ойида авария ҳолатида сувга ғарқ бўлган нефть қазиб олувчи Deepwater Horizon платформаси ушбу ғайриоддий доғ пайдо бўлган ердан 20 миль узоқликда аниқланган. Ўшанда кўрфазга тахминан 5 миллион баррель нефть тўкилган эди. Юзага келган ушбу улкан нефть доғи мамлакат тарихидаги энг катта экологик ҳалокатлардан биридир.**

**● Иерусалимда кучли портлаш рўй берди. Оқибатда бир одам қурбон бўлди, 30 га яқин киши жароҳат олди. Портлаш сабаблари аниқланмоқда.**

**● Астрономлар NGC 6729 туманлигида ўнлаб «ўзбошимча» ёш юлдузларни суратга олишди. Бу юлдузларнинг «бебош»лиги шундаки, улар жуда ҳаракатчан ва шу боис ўз атрофидаги газ ҳамда чанг-тўзонларни ёруғлик йили масофасига қадар тарқатиб юборади.**

**● Олимларнинг кузатувлари натижасида қушлар қандай омилларга асосан уйқуга кетишига аниқлик киритилди. «Etnology» журналида чоп этилишича, Канада яқинидаги Фанди кўрфазида «ларус» турига мансуб балиқчи қуш — чайкаларнинг қанчаси ухлаяптию қанчаси бедор экани ҳар икки дақиқада назорат қилиб борилган. Олимларнинг аниқлашича, уйқуга кетган қушнинг ёнида бедор қўшниси қанча кўп бўлса, у ҳам кўзларини тез-тез очар экан.**

**● «Science» журналида чоп этилишича, олимлар Сатурн сайёрасининг олтинчи йўлдоши — Титан экваторида сўнгги саккиз йил давомида илк бор ёмғир ёққанини қайд этишди. Титан об-ҳавосини ўрганишда Сатурн орбитасига чиқарилган «Кассини» зонди томонидан олинган суратлардан фойдаланилган.**

